



ДУРРИЯТ

МУСТАҚИМ ГАЗЕТА

27 сентябрь -
3 октябрь
2000 йил
39 (192) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

**ШАҲИДЛИК НИМА?
ГОЗИЙЛИК-ЧИ?**

2-
БЕТ



**АҚЛИЛИК
ФОЖЕАСИ**

3-
БЕТ



**Анвар ҒАНИЕВ —
Кўнглининг одами** 4-
БЕТ

АРМОН

“Оёғингни этик шилибдими?” деб сўраган эди ота жангчи ўғлидан бир кун бурун...



— Бир кун бурун Фуломжон уйга келди, ўтиришдик, кулишдик, қариндош-уруғлар йиғилишдик. Улар билан хайрлашаётим: “Мен билан кучоқлашиб кўришинглар, мен урушдан келиб, урушга кетяпман”, деди ҳам ҳазил, ҳам жиддий оҳангда. Мен шўринг кургур эркатойимни сўнгги бор кўраётганимни қайдан билибман, дийдорига тўйиб-тўйиб қараб олмайманми?!

Рўзихол опа шашқатор ёшларини тия олмай, аччиқ-аччиқ йиғлади. Чори ака ҳам бўлган гапни айтди:

— Уша келган кунни гурунлашиб ўтирдик, қарасам, товоми шилинибди. Харбий этиги пича торлик қилибди. Ўғлим, этикнинг каттароғидан олиб кийгин, деб тайинладим. Хўп, деди-қўйди, чалғиди... Ферзандининг оёғи

шилинишини истамаган ота, мана, унинг айрилиги доғига чидаб ўтирибди... Ушга, болаларининг онасига тасалли бераяпти. Кечагина қоматини адл тутиб, қўрган кўзни қувнатиб, қадамидан ўт чақнаб юрган арслондек ўғли душман ўқига учиб, уларни доғда қолдириб кетди...

Фуломжон Хусанов Термиз политехникумида харбий хизматдан бурун тугалланмай қолган ўқишини ниҳоясига етказди, диплом ҳимоя қилди. Қўшимча мутахассислик олиш ниятида мазкур ўқув юртининг ҳуқуқшунослик бўлимига ҳужжат топширди. Пойтахтда миллий гвардия сафида харбий бурчини ўтаб қайтгач, яна Ватан ҳимоясига отланди. Сароисид ва Узун туманлари айрим чегара ҳудудларига бостириб

қирган газандаларга қарши курашининг олдинги сафида борди.

— Уқ теккан чоқ сизни тилга олди, — деб ҳикоя қилишди жанозага келган сафдошлари Рўзихол аяга. — “Ўлишим мумкин эмас!.. Ёлғиз ўғилман, онам чидамайди. Газандалар!” деганча ярадор ҳолига қарамай тинмай ўқ узди. Ғазабининг зўридан мушт бўлиб тугилган қўли кўксига ёпишиб қолибди...

Мусибатзада оилада узок ўтириш, аччиқ ва аламли хотираларни тинглаш нечоғли оғир бўлса, уларни дарҳол ташлаб чиқиб кетиш ҳам ноқулай эди. Иттифоқ, ёлғиз ўғилга нима сабабдан бундай исм танлангани боисини сўраб қолдим. Чори ака яна бир гаройиботни айтиб бердилар:

— Амаким раҳматли, яъни

отамнинг акаси Хасан бобо ўғлимизга шу исмини қўйган эди. У кишининг Икинчи Жаҳон урушида шаҳид кетган Фуломжодир исмли ўқаси булган экан. Қисматининг ўхшашлигини қарангки, раҳматли Фуломжодир амакимиз ҳам урушга кетганида чимилдик кўрмаган бўз йигит экан. Уша жигаримизнинг исми унут бўлиб кетмасин деган ниятда Хасан бобомиз ягона ўғлимнинг қулোগа азон айтиб, шу исмини қўйган эдилар...

Нима, бу тақдирнинг тақдорланганими, ўйиними ёхуд?.. Бир нарса дейиш кийин...

Президент Фармонига кўра термизлик жасур ўғлон Фуломжон Хусанов “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Бахтиёр ОЛПОМУРД,
журналист

МММда

ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ... БИТИМ

Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази яна бир тантанали учрашувини гувоҳи бўлди. Бу гал марказда ОАВ ходимлари самарали учрашув билан бирга аҳолий битимни имзолаш маросимида иштирок этишди. АҚШнинг мамлакатимиздаги Факултетада мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳамда ушбу мамлакатнинг нодавлат ташкилотларидан бири “Жей-Ди-Эй” ижрочи директори Роберт Хедлунд иштирокида Қорақалпоғистоннинг шимолӣ туманларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурини молиялаштириш борасидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Имзоланган битимга кўра, АҚШ ҳукумати “Жей-Ди-Эй”га 25 минг доллар миқдорда маблағ ажратади. Мазкур маблағ бу йилги қурғоқчиликдан энг кўп зарар кўрган Мўйнок туманидаги овуллари ичимлик суви билан таъминлашга сарфланади. 5 йилдан буён Қорақалпоғистонда фаолият олиб бораётган “Жей-Ди-Эй” таъбирлаган бу галги лойиҳага кўра, бир қатор туманларда ер ости сувларини тортиб олувчи қўл насослари ҳамда сув тозалаш ускуналари ўрнатилди.

АҚШ ҳукумати ЮСАИД орқали Қорақалпоғистон ҳукумати билан биргаликда Орол бўйи ҳудудларида ичимлик суви билан боғлиқ ҳамда бу ҳудуддаги вазиятни енгилаштириш мақсадида бир қанча ижобий ишларни амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳа ҳам Америка ҳукуматининг мамлакатимиздаги қурғоқчилик билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишдаги муҳим ёрдами бўлади.

Бахриддин МИНГБОЕВ

ХАБАР

"ХАЛҚ СЎЗИ" БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида “Халқ сўзи” газетаси ходимлари билан ижодий учрашув бўлди. Учрашувда Олий Мажлиснинг фан, маданият ва спорт қўмитаси раиси Нарзулла Жўраев, “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррири Аббосхон Усмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шўрат Жабборов иштирок этдилар.

Учрашувни факультет декани Сайди Умиров очди. Шундан сўнг меҳмон мезбонлар бугунги ўзбек матбуоти, бўлгуси журналистларнинг бurch ва мажбуриятларини ҳақида сўзлашдилар.

Илгирли сўнггида халқаро журналистика факультети талабалари “Халқ сўзи” газетаси билан келгусида ижодий ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Фарҳод ЭРДОНЕВ,
факультет талабаси

КИТОБ

“ОИПАНИНГ ОЛТИН ШАҲОДАТНОМАСИ”

— “Оиланинг олтин шаҳодатномаси” хўп аҳойиб чиқибди-да!

— Жуда яхши ўйлаб топилди, шундай китоб керак эди!

— Бунинг учун китоб тўзувчилари Акбар Юнусовга, Музаффар Жафаровга раҳмат дейиш керак.

— Китобнинг нашрга тайёрлагани “Езувчи” нашриятига ҳам.

— Хар қандай мамлакат ва давлатнинг тарихи бўлганидек, оиланинг ҳам тарихи бўлади. Фақат бизда бунга кўпда эътибор қаратишмайди.

— Илгари етти пуштини билиш зарурлиги ҳақида кўп гапирмади-ку!

— Гапиргани гапирганида, фақат уша қадриятларга қайтиш имконияти энди-энди туғилляпти.

— Туғилганда ҳам эндиликда бошқароқ тарзда, — Масалан?

— Мисолни мазкур китобдан ҳам олиш мумкин. Насл-насабини билиш учун аввало оиладаги хар бир фарзанд тарихи у туғилган вақтлардан қай этила бошланмоғи зарур. Хар қандай ота-она янги туғилган фарзанди тепасида тирдиксизлик бўлиб, бутун борлигини унга сарфлайди. “Оиланинг олтин шаҳодатномаси” эса ана шу пайтлардан фарзанд тарихини ёзишга ундайди.

— Оиланинг вужудга келиш саналарига ҳам урин ажратилган.

— Албатта. Бундай оилада улғайган ўғил ва қиз эсини таниган, оила шаҳодатномасини кўз қорачиқдек асрабгина қолмай, уни давом эттиради. Вақти келганда ўз оиласи шаҳодатномасини яратишда ушбу тажрибадан фойдаланади.

— Оила қуришга доир



конун киритилгани жуда фойдали бўлибди китобчага.

— Оила қуриш масъулиятига доир диний қадриятлар, талабалар, йўл-йўриқ ва масъалалар ҳам жуда-жуда жойига тушган.

— Қизиқувчилар учун мучал тақвимиани айтмаймизми?!

— Кишилариини ўзлигини англаши, миллий мафкура ҳам оилани англашдан бошланади-да, шу маънода ҳам китобча жуда фойдалидир.

— Битта мулоҳазани айтишга тўғри келади.

— Қандай мулоҳаза?

— Хар бир оилада бўлиши зарур бўлган шундай китобча бор-йўқи 5 минг нуҳада чоп этилибди, қолверса, унинг ҳажми каттарок, санмоқирок бўлса эди!

— Назаримда, китоб муаллифлари тажриба сифатида бошлаган ишларини келгусида давом эттирсалар ажабмас...

Сўхбатдошлар — Ҳилола ТҶОНЕВА ва Гулчирой МУҲАММЕДОВА, УЎДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари

ИСТАК

ҲОЙ, СИГАРЕТНИ ТАШПАМА!..

Аллақайси мамлакатларда одамлар уйдан ташқарига чиқаётганида оёқ кийимларини тозалаб, артиб-суртишар экан. Чунки... куча уй-жойдан кўра озодроқ буларкан. Билмадим, нечоғли чин, айрим мамлакатларда ит-мушуклар дуч келган жойларни ифлос қилиб кетмасликка ўқитилар экан. Баъзан табиатни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш хусусида гап кўзгалса, мана шундай кўринишдангина майда кўринган нарсалар ёдимга тушади. Дарҳақиқат, табиатни асраш тоғу тошларни, ўрмонларни, Орол денгизини асраш дегани эмас, балки хар бир одам ўзи яшаб турган, ўзи юрган-турган жойини покиза сақламоғи ҳамдир!

Биз қишлоқ табиатини асраш ҳақида озми-кўпми қайғу-рамизу, қишлоқ кўчаларини, хиёбонларини ободонлаштириш, озода сақлаш борасида кўпда бош қотиравермаймиз. Гўё қишлоқчиликда бўлаверадигандек! Шаҳарда-чи? Назаримда, шаҳар чўкиндилари бу борадаги энг жиддий муаммолардан бири. Ақлат ташувчи янги-янги машиналар кўпайгани яхши, аммо-лекин одамларнинг тушунчасини йўлга солмагунча чўкиндилар уюмидан ҳалос бўлполмасак керак. Наҳотки, хоризждаги ўша арзон сувахталарга солинган жалталарни оқшом ташқарига олиб чиқиб ва уларни мажус хизмат вакиллари йиғиб кетишини йўлга қўйиш шундай кийин бўлса? Йўловчилар дуч келган жойга тутуриб кетиш, фикмиланган қозғани ирилтиши, сигарет қолдини ташлаб кетиши қанчалар хунук?! Хар қим ўзига ҳисоб берсин, ўзини ўзи назорат қилсин. Хатто шундай белгисанларга жарима жорий этиш қўтилган натижани берар?..

Асад АСИЛ

Бўстонлик тумани, Хондайлик қишлоғи

ҲОДИСА

САЙДИ УМИРОВНИНГ ҚИЗИП "05"И

...Тошкент — Келес йўли. Автомашиналар қатнови бир зум тинмайди. Иномаркао ўзимизнинг жайдари Камазларнинг товуши қулқини қоматга келтиради.

Узоқдан кўнчилик журналистларнинг устози Сайди домланинг қизил "05"и кўринади. Хар қандай домланинг эркатой шоғирдларидан бири — машинанинг олд ўриндиғида ялпайиб ўтирибди. Машина йўл четидидаги дўкон қошида тўхтаб, устоз-шоғирд қорам-қора дўконга киришди...

Э-энди кечаги газетдаги мақоланинг қалам ҳақига яримтани харид қилиб улғурган икковлоннинг қулқоғи ташқаридаги оломоннинг гала-говури эшитилди. Ташқарига отилишди. Таажубки, машина ўрнида йўқ эди.

Уша ерда писта сотаётган аёл ҳаяжонланиб, сўзлай кетади: “Сизлар дўконга кирган, машина катта йўлдан настига қараб жўнаб кетди. Қаршисидан келаётган автобусни айланаб ўтиб, йўлнинг нариги томонида тўхтаб қолди...” Домла 18 йиллик “кадрдон”и “сог-саломат” эканини кўриб хайрон бўлди.

Домло шоғирдларнинг ташвиши билан юрадиган домла машинани “холостой”да қолдирган экан...

ТОМОШАВИП

"ХУРРИЯТ" УЧУН

XXI аср глобаллашув асри бўлади дея башорат қилишмоқда.

Дунёвий миқёслардаги турфа ҳамкорликлар, биринчи навбатда, сўз ҳурлигини, фикрлар алмашинуви эркинлигини тақозо этади.

“Хуррият” газетаси айни шу ҳурликка, эркинликка хизмат қилади.

“Хурриятга 2001 йил учун обуна бўлинг, у сизнинг дустингизга, энг ялғор мулоҳазаларингиз минбарига айланади!



"ЭНГ ЯХШИ ОБУНА ДАЪВАТИ"

танлови

“ХУРРИЯТ”
“Ташриф”
&
“ЕШЛАР”
“Куйларим
осмон”

Дикқат! Дикқат!

Газетамизнинг кадрли муштарилари! “Хуррият” ўз обунаси учун “Энг яхши обуна даъвати” танловини эълон қилади. Мақбуларингизни 10 ноябрга қадар жўнатишингиз мумкин. Энг яхши обуна даъвати газетамизда чоп этилади ва муаллифларига “RADIO-RECORDS” студиясининг совғалари ва “Шарк” НМКда чоп этилган қимматбаҳо китоблар берилади.

ЭЪТИРОЗ

ПОҚАЙДИКМИ, НОЧОРЛИК?!

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарларига

Ўтаётган сўнгги минг йилликнинг энг ҳаяжонли кунларини бошдан кечиряпмиз. Бутун диққат-эътибор Сиднейда, бизники эса телевизор, радио, газеталарга қадалган. Зеро, сизлар саралаб жўнатган 77 нафар фарзандларимизнинг биз ҳам муҳлисимиз, уларнинг мусобақа майдон ва майдончаларидаги босган қадамларига кўзларимизни тикиб турибмиз. Уларнинг хар галабаси бизнинг — халқимизнинг, Ватанимизнинг галабаси! Олимпиададаги хар бир галаба миллимизнинг шайн-шавқати! Баланд кўтарилган ажабтовур байроқлар орасида ўзбекининг ҳам байроғи қолибона хилпираб туриши барчамизнинг орузимиз!

Ана шу илҳижда хар кун “Ахборот”у “Давр”га тикилашимиз. Бирор бир хушхабар ёнқи катнашчиларимиз иштироки ҳақидаги репортажни кутамиз. Бирок... шу ўринда Олимпиямиз раҳбарларини муҳбирларимизга андек эътироз туғилмоқда. Нега биз спортчиларни кечикиб ёхуд телефон орқали эшитяпмиз? Нега спортчиларимиз иштирокидаги репортажлар тўғридан-тўғри, жилла кўра, зудлик билан олиб берилмаётми? Хўш, бунга сабаб нима?

Эшитишимизча, бутун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларидан атиги... уч нафари Сиднейда экан. Бу нима дегани? Жаҳон харитасида кафтедек келаётган мамлакат муҳбирлари саф-саф бўлиб, пешма-пеш хабарлар, репортажлар ёғдириб турган бир паллада бизникилар нега бу ерда ўтиришди? Нима, бизда халқаро мусобақалардан репортаж узатувчи муҳбир ё журналист йўқми? Эҳтимол, маблағ йўқлиги вақ қилиб кўрсатилар?..

Вақ ва баҳоналар ўз йўлига, аммо-лекин ХХ асрнинг сўнгги Олимпиадасида суратга туширилган тарихий фото ва телетасвирларни кейин қаердан оламиз? Хўйнаҳой, ажнабий спорт журналистларидан сотиб оларми? Сиднейга жўнатишимиз лозим бўлган журналистлар ҳисобидан тежалган маблағами?

Шўрки, бугун спортга катта эътибор беряпмиз. Бутун бошли йилни “Соғлом авлод йили” деб атадик. Корту стадионлар қўрпямиз. Шундай сарф-харажатлар қаторида халқаро спорт мусобақаларини кенг тартиб эътибор журналистларимиздан маблағни аямаслик керак, бу сафар чемпион бўлмасак-да, ўша УЗ репортёрларимизни томоша қилган ёшларимиз орасидан бўлгуси Олимпия қолиблари етишиб чиқар, ахир!..

Сидней Олимпиадаси ҳам охирида қолаёзди...

МУҲЛИС



ХУШНАТ

Худбинлар бурч олдида инжиқ ва кўрқокдирлар...
Ф.ДОСТОЕВСКИЙ


КИЎС

UNICEF маълумотиға кўра, кейинги ўн йилда бўлиб ўтган урушларда 2 миллион бола нобуд бўлган, 15 миллион бола бошпанасиз қолган ёки ўз уйини тарк этишга мажбур бўлган

РАКАМ

АҚШ Президенти Билл Клинтон иккинчи қайта сайланишига 2 миллиард “кўк”идан сарфлаган

МАГРИБУ МАШРИК



ХАБАРЛАР АМЕРИКАЛИК БЎЛИШ ОСОНМИ?

Тасаввуримизда жамият тараққиёти қўл етмас юксакликларга қўрилган Америкада яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш осонми? Дунёнинг етти иқлимидан маъмурчиликда яшаш умиди билан йўлга чиққанларнинг ҳаммаси ҳам илқилик билан қарши олинганми? "Америкалик" бўлишнинг ҳам, океанорига вақтинча меҳмон бўлиб қайтишнинг ҳам ўзига хос инжиқликлари йўқ эмас.

Бу ҳақда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ахборот ва маданият бўлимида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам сўз борди. Маъмур элчихонанинг вице-консули Александр Хамилтон жаноблари журналистлар эътиборини бир қанча масалаларга қаратди. Консулга кўра, АҚШда доимий яшаш ҳуқуқини беришга қодир бўлган иммигрант визасини қўлга киритиш мақсадида лотерея ўйинлари ўтказилади. 2 октябрнинг кундузги 12.00 сидан бошланадиган тадбир 1 ноябрнинг кундузги 12.00 сизга қадар давом этади.

Мазлумотларга кўра, сўнгги беш йил мобайнида АҚШга 50000 киши иммиграция қилинди. Иммиграция актига мувофиқ, танловда олти географик минтақа вакилларига қатнашишлари мумкин. Булар: — Африка: Африка қитъасидаги барча давлатлар ва ёндош ороқларда яшовчилар; — Осиё: Хитой, Хиндистон, Покистон, Филиппин, Шимолий Корея, Вьетнамдан ташқари бошқа барча давлатлар; Гонг-Конг ва Тайванда туғилган шахслар лотереяда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар; — Европа: Буюк Британиядан ташқари (Шимолий Ирландия лотереяда иштирок этиш ҳуқуқига эга) барча давлатлар (Бунга собиқ иттифок давлатлари ҳам киряди); — Шимолий Америка: Багама — бу йилги лотереяда минтақадан қатнашиши мумкин бўлган ягона давлатдир (Канада лотереяга қатнашиш ҳуқуқига эга эмас); — Океания: минтақадаги барча давлатлар, шу жумладан, Австралия, Янги Зеландия, Янги Гвинея ва Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган ороқлар; — Жанубий Америка, Марказий Америка ва Кариб ороқлари: Колумбия, Доминика Республикаси, Сальвадор, Гаити, Ямайка ва Мексикадан ташқари минтақадаги барча давлатлар лотереяда қатнаша олади.

Лотереяда қимлар иштирок этиш ҳуқуқига эга? Аризалар қай тартибда тўлдирилиб, қай йўсинда ва қай манзилга топширилади? Ноиммиграциялик визаларини олиш тартиблари қандай? Бу ва шу каби бошқа саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, АҚШ элчихонасининг Тошкентдаги Консуллик хизмати-га мурожаат этишингиз мумкин. Хизмат манзили:

АҚШ элчихонаси, Чилонзор кўчаси, 82-уй Тошкент 700115, Ўзбекистон Тел: (998)(71) 120-54-50 (998)(71) 120-54-44

АҲОЛИ ОРТМОҚДА, МУАММО ХАМ...

Ер шари лаҳза сайин "огирилашиб" бораёпти. Дунё аҳолиси сонининг ўсиши, бир томондан, қувончли ҳол сифатида баҳоланса, иккинчи томондан, демографик муаммолар барқарор иқтисодга салбий таъсир қилиши мумкин, деган хавотирлар ҳам анграмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) "Sheraton-Tashkent" меҳмонхонасида "Дунё аҳолишунослигининг 2000 йилги обзори" тақдироти ўтказди. Шу ўринда жамғарма ҳақида икки оғиз сўз. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси Ўзбекистондаги фаолиятини 1993 йилдан бошлаган. UNFPA ваколатхонаси офиси расман 1994 йилда очилди. Унинг фаолияти минтақа давлатларини, Қозғистон ва Озарбайжонни қамраб олади. Утган йиллар давомида жамғарма Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда қатор дастурларни ҳаёта татиб этди. Аҳоли саломатлиги, айниқса, аёллар саломатлигини яхшилаш борасида талайгина тадбирлар амалга оширилди. Айни кунларда UNFPA мамлакатда миллий тақшилотлар, тиббиёт муассасаларида соғлом оилани шакллантириш мақсадида ва кенг қамровли оммабоп-демографик тадқиқотлар ўтказишни қўллаб-қувватламоқда. 1993-1999 йиллар мобайнида мамлакатта келтирилган контрацептив воситаларнинг тенг ярами жамғарма улушига тўғри келди. Утган йили эҳтиёж учун сарфланган ана шундай воситаларнинг 80 фоизини жамғарма таъминлаганди. Тақдиротда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси вакили Константин Соколовф иштирок этиб, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига кенг ва атрафлича жавоб берди. Газетамизнинг навбатдаги сонларида "Дунё аҳолишунослигининг 2000 йилги обзори" материаллари асосида тайёрланган туркум мақолаларни эътиборингизга ҳавола этиш ниятимиз бор.

Н.ОЧИЛОВ

МУАММО

"Инсон қонинот мавжудотлари орасидаги энг ақлиси" қабилдаги сийқаси чиққан фикрни бот-бот эътироф этарканми, баъзида бу баландларов гаплар гурури-мизига-да ўт қалайди: "Биздан ақилроқ (аслида такаббурроқ — Н.А.) жонот йўқ дунёда!" Наҳора, инсоният ҳеч замонда ўз ноқонлигини бир марта бўлсин тан олган эмас, балки бундан бу ёнга ҳам бундай мард топилмас...




Унинг бор бисотини кўз-кўз қилиш оdatи қон-қонига сингиб кетган одамзод бугун ўзидagi мавжуд қурол-яроғ-

тузилма (Шарқий Европа) билан характерланади. Айрим мамлакатларнинг аҳоли турмуш даражаси паст, бунинг устига иқтисоди чалажон ҳолатда бўлса-да, ҳарбий соҳага тинимсиз зўр бераётгани кишини ажаблантиради. Бир сўз билан айтганда, беш йил бадалида Шарқий Осиё, Жанубий Америка, Жанубий Осиё ва Шимолий Африка минтақаларида ҳарбий харажатларнинг ўсиш тенденциясининг Шарқий Европа ва қисман Россияда қисқартирилишини кузатиш мумкин. АҚШнинг ҳарбий харажатлари "икки қутб" сиёсий жараёнида (1987) умумжаҳон ҳарбий харажатларининг 27 фоизини ташкил этгани ҳолда орандун йил ўтгач бу рақам 33 фоизга ортган. Мамлакат ҳарбий харажатлари илк бора 1993 йилда рекорд натижа — 36 фоизга кўтарилганди. Кузатувчиларга кўра, АҚШнинг 2000—2005 йиллардаги ҳарбий харажатлари янада ортатиши кутилмоқда. Ядровий ракеталарга қарши "муҳофаза тури" машамалари бунга сабаб бўлиши мумкин. 1997 йилда куйидаги ўн давлат ҳарбий эҳтиёжлар учун йирик ҳажмда маблағ сарфлаганини кўришимиз мумкин (миллиард ҳисобида): АҚШ - 27,8; Бирлашган Қироллик - 35; Хитой - 7,5

1997 йилда умумжаҳон қурол-яроғ экспорти ҳажми 54,6 миллиард долларга етаркан, асосий экспортчи минтақалар Шимолий Америка (умумжаҳон қурол-аслаҳа экспортининг 59 фоизини, шу жумладан АҚШ улуши 58 фоизни ташкил этади), Шарқий Европа (30 фоиз), Шарқий Осиё (7 фоиз) ва Шарқий Осиё (2,5 фоиз) бўлиб қолмоқда. Кўйс учун 1987 йилда экспорт бўйича Шарқий Европа, беш тинимсиз Совет Иттифоқи (44 фоиз) етакчилик қилар, иккинчи ва учинчи ўринларни Шимолий Америка (29 фоиз) ва Шарқий Европа (19 фоиз) банд этади.

1995—1997 йилларда ҳарбий аслахаларнинг асосий экспортчилари қуйидаги мамлакатлар бўлган (наҳрлар миллиард доллар ҳисобида): АҚШ - 7,8 - 55%; Германия - 3,8 - 3%



Бирлашган Қироллик - 18,0 - 13%; Швеция - 3,1 - 2%; Франция - 12,0 - 8%; Хитой - 2,4 - 2%; Россия - 9,2 - 7%; Исроил - 2,0 - 1%

АҚШ экспортдан тушган асосий тушум ривожланган давлатлар (55 фоиз) ва НАТОга аъзо давлатлар (24 фоиз) ҳиссасига тўғри келган. Мамлакат қурол-яроғининг асосий импортчилари қуйидаги минтақаларни ташкил этган: Яқин Шарқ - 33%; Океания - 2%; Европа - 2%; Африка - 1%; Шарқий Осиё - 27%; Жанубий Осиё - 1%; Шимолий, Жанубий ва Лотин Америкаси - 4%; Бошқа импортчилар - 4%

1995—1997 йилларда АҚШдан ҳарбий аслаҳа харид қилган асосий давлатлар: Саудия Арабистони - 13,7; Туркия - 3,1; Хитой (Тайван) - 8,1; Кувейт - 2,9; Япония - 6,8; Корея - 2,9; Миср - 4,6; Исроил - 2,6; Бирлашган Қироллик - 4,4; Германия - 2,4

Манбаларга кўра, 1995—1997 йилларда қурол-яроғ экспорти бўйича АҚШ биринчи ўринини (умумжаҳон экспортининг 34 фоиз), Россия иккинчи ўринини (19 фоиз) ва Франция учинчи ўринини (12 фоиз) банд этган. Мазлумотларнинг шохдат беришича, қурол-яроғ импортчилари асосан имконият жиҳатидан иккига бўлинган: ривожланган ва ривожланаётган давлатлар. Ривожланган давлатларнинг импорти ҳажми жуда оз бўлиб, асосан қисмлар, ашёларнинг харид қилиш билан характерланади. Ривожланаётган давлатларнинг импорти эса йирик миқдордаги таёёр қурол-аслахаларни ташкил этади. Бундан англиталидики, замонавий технология жиҳатидан анча орқанда бўлган ривожланаётган давлатлар ўз хавфсизлигининг кафолатини кўпроқ таёёр яроғларда кўрмоқда.

Сўнгги 12 йил (1986 йилдан 1997 йилгача) бадалида йирик миқдордаги қурол-аслаҳа етакчи берувчилар аввалида Совет Иттифоқи, сўнг Россия ҳисобинан, унинг

Норали АСЛОН

умумжаҳон аслаҳа экспортидаги улуши 29 фоиз бўлган. Кейин 26 фоиз билан Франция, 13 фоиз билан АҚШ, 4 фоиз билан Хитой, 3 фоиз билан бир ўринда ҳам Бирлашган Қироллик ҳамда Германия туришган.

Йирик миқдорда қурол-аслаҳа сотиб олган минтақалар асосан дунёнинг оловли нуқталари "ҳиссаси"га тўри келаркан, янгидан-янги яроғлар импорти янгидан-янги уруш полигонлари яратганига шу бха йўқ. Айтайлик, 1995—1997 йилларда йирик миқдордаги қурол-яроғ импортич "рутба"си Яқин Шарқ минтақасига "насиб" этган. Ундан сўнг Фарбий Европа, Шарқий Осиё, Жанубий Америка, Африка ва Жанубий Осиё минтақалари "саф"да туришган.

Тўқсонинчи йилларнинг иккинчи ярмида айна эътироф этиб утилган минтақаларда нечоғли қирғинбарот уруш бўлиб ўтгани ёҳуд хануз давом этаётганини бирма-бир санаиш ортиқча.

Мамлакат мудофаасини таъминлаш масалаларида қуролли кучлар салмоғининг қўлгина давлатларда юқорида қолаётгани "катта сифат"да хануз ўзаро ишончсизлиқнинг мавжуд эканлигини кузатиш имконини беради. Манбаларга қараганда, 1997 йилда куйидаги ўн давлат қуролли кучлари сони хиҳатидан етакчи бўлган (миң киши ҳисобида): Хитой - 2600; АҚШ - 1532; Россия - 1300; Хиндистон - 1265; Шимолий Корея - 1100; Туркия - 822; Жанубий Корея - 670; Вьетнам - 650; Покистон - 610; Эрон - 575

Хисоб-китобларга қараганда, мамлакатнинг мудофаа хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлатларнинг ҳарбий харажатлари киши бошига 1987 йилдаги 271 доллардан 1997 йилда 145 долларга, қариб тенг ярмига қисқарган.

Янада аниқроқ айтидаган бўлсак, ривожланган давлатларда 909 доллардан 525 долларгача, ривожланаётган давлатларда эса 62 доллардан 50 долларга пасайган. Шунга қарамадан Яқин Шарқ минтақасидаги кескин сиёсий вазиятлар ҳарбий харажатларнинг миқдорининг ханон юқорилигига қолаётганига сабаб бўлмоқда.

Минтақа давлатлари 1997 йилда мудофаа хавфсизлигини таъминлаш мақсадида киши бошига энг кўп миқдорда маблағ сарфлаган 10 давлатнинг 7 тасини ташкил этган. Исроил - 1690; Саудия Арабистони - 1050; Сингапур - 1650; АҚШ - 1030; Кувейт - 1500; Бирлашган Араб Амириклари - 1020; Катар — маълумот йўқ; Бахрейн - 880; Бруней - 1220; Оман - 790

Ҳарбий технология харажатларини ҳарбий хизматчи бошига тақсимлаганди ривожланган давлатларда 1988 йилда 99000 доллар бўлган бу кўрсаткич 1997 йилга келиб 85000 долларга пасайган. Бу кўрсаткич АҚШда 180000 долларни, бошқа бир қатор мамлакатларда эса 1000 долларни ташкил этган.

Сирий қуроллини "мусобақа"си ҳарбий харажатларнинг тобора орттишига сабаб бўлаётган экан, "Йити асрга таҳлиқасиз, таҳдидларсиз ўтиш мумкинми?" қабилдаги савол очкичига қолади. Бунга муносиб жавобни энг одил ҳакам — вақт бера олади.

Хавотирдан муддао - хавфсизлик кафолати сифатида қурилаётган "ақлилик" балоси янгидан-янги фожеаларни урчитмас...

ТАФСИЛОТ ПАРИЖ "СОҲИБЖАМОЛИ"НИНГ ОЁҚЛАРИ ОСТИДА

1931 йил Нью-Йоркда "Эмпайр стейт билдинг" (баландлиги 380 метр) барпо этилгунча у дунёдаги энг баланд иншоот ҳисобланган.

1957 йилда унга телевизион антенна уланган. Натижада минора 320 метрга "ўсди".

Айни вақтда ундан радио, телевидение эшиттириш ва курсувларини узатувчи марказ, бундан ташқари метеорологик кузатувлар ва сайёҳлик мақсадаларида фойдаланилмоқда.

Минора сайёҳлик орқасидан ҳар йили 50 миллион франк фойда олади. Шунинг ҳам абадиятга номи муҳрланган муҳидис устоз Эйфелнинг камтарона бости "Париж соҳибжамоли"нинг "оёқ"лари остига ўрнатилган.

Ф.КОМРОН тайёрлади.

УМРИНГИЗГА БАРАКА! ҲАЛОПЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Меҳри қуёш меҳридай қутлуг, васфи таърифга сиймас яхши инсонлар ҳақида шарҳ юриштирдан қийини йўқ экан. Чунки бундай сиймоларнинг бетакрор ва олижаноб фазилатлари шунчалар кўпки, қайсинисинлар бошлаб, қай бири билан тугатишини билмайсан. Ўзбекистон радиосида эллик йил мобайнида узлуқсиз хизмат қилиб, ижтимоий-фалсафий, маънавий-эстетик мазмун билан йўғрилган хилма-хил эшиттиришлар тайёрлаб, тингловчилар меҳрини қозонган ва радио санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган Бурҳон Зиёевни айнан ана шундайлар қаторига қўйиш зарийди. Дарҳақиқат, соҳага астойдил меҳр қўйгани, азбаройи ўз касбига садоқати туйғули у кишини шу азиз тупроғининг ҳароратли нафасини, шу муътабар халқнинг фикр-ўйлари, юксак, боқира туйғуларини тараннум этишга бағишлади. Хилма-хил радиоконпозициялар, радиохикоя, радионесценровка, радиопостановкаларида талай ижтимоий, маънавий, ахлоқий масалаларни кўтариб чиқди.

Дарвоқе, у киши ҳам радиодаги фаолиятини дастлаб суҳандонликдан бошлаганди. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Шу боис талай тақшилотлардаги каби маъзур даргоҳда ҳам мутахассислар етишмасди. Худди ана шундай кунлари Бурҳон Зиёев эндигона Тошкент педагогика институтини тамомлаб ўқувчилик қилаётган, айни пайтда Тил-адабиёт институтининг аспирантурасида ҳам таҳсил олаётган эди. Шеръ, газал ўқишга ҳавас ҳамда овозидagi ўзгача ҳозирбадорликни сезган радио жамоаси уни суҳандонликка тақлиф қилади. Ҳа маҳаллардаги етакчи суҳандон Хамид Фулом, Туроб Тула, кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган сўз усталари Туйғунои Юнусхўжаева, Қодир Махсумов мутақаддирлиқга имтиҳондан муваффақиятли ўтади у. Кундалик "Сўнгги ахборот"ларни ўқийдиган ташқари, бошқа қатор адабий эшиттиришларда ҳам иштирок этади, мухобирлик қилади. Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти, ёшлиги, Муқимийнинг газаллари ва инсонпарварлик ғояларига бағишланган мусиқий эшиттиришлар тайёрлайди, Бехбудий, Гафур Фулом, Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тула, Шукрулло ижоди борасидаги мақолалари радиода янграйди.

Бурҳон Зиёев муҳаррирлик маҳоратини эгallaшга ҳам астойдил қизиқиб қолади-да, ўша маҳаллар ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар таҳририятини бош муҳаррири вазифасида ишлаётган Хаким Мухторнинг шогирди тушади. Ундан таҳрир санъатини ўрганади. Итилганга толе ёр, деганларидек, ундаги синчковлик, кунт ва тиришқоқлик ўз натижасини беради ва уни Тошкент шаҳри учун эшиттиришлар тайёрлаш таҳририятига раҳбар этиб тайинлайдилар. У кишини пухта адо этиши, талабчанлиги, ширинсуханлиги ва бошқа қатор ибратли хислатлари билан барчаннинг эътиборини тортади, ҳурмат ва меҳрини қозонади. Шу тариқа унга Республика радио кўмитасининг бош муҳаррирлиги вазифасини ишониб топширадилар. Фаолияти давомида у Кўмитанинг Бош директорлигига қадар бўлган вазифаларда ишлайди. У қайси ўринда хизмат қилмасин, ўзининг уздабўриб ва ташаббускорлигини астойдил намойиш этиб, эшиттиришларнинг ранг-баранглиги, мазмундорлигини оширишдан толмайди, янги-янги бўлимлар, таҳририятлар, ижодий гуруҳлар ташкил қилишга ҳам шахсан бош бўлади. "Маъъал", собиқ "Ёшлик" радиостанциялари, қишлоқ ҳўжалиги ходимлари учун жорий этилган "Яшна-гулла, пахтакор ўлка" номли бадий ва сатирик радиожурнал, "Гулшан", "Дугоналар" радиожурналлари, "Қармоқ", "Табассум устaxonаси" номли ҳафталик дастурларнинг рўёбга чиқishi унинг бевосита ташаббуси билан боғлиқдир. Бурҳон Зиёевнинг яна бир олий фазилати шундаки, у ўзига ўхшаш етуқ мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам астойдил кун қийдири. Радиода узоқ йиллар ишлаб, кейинчалик машур ёзувчи сифатида элга танилган Улмас Умарбеков, Анвар Эшонов, Хайдар Мухаммад, Фарҳод Мусахоннов ҳамда шу даврга қадар радиода ҳалол меҳнат қилиб, ўзининг қатор ибратли эшиттиришлари билан элга манзур бўлаётган Насиба Эргашева, Зулфия Обидова, Саидмурод Тиллаҳўжаевлар ҳам унинг шогирдларидандир. Уларнинг асарияти турли унвонлар, орденлар ва бошқа Давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Ўзбекистон радиоси ривожини тарихий боқичида уларнинг ҳар бирининг муҳим ва шарафли ўрни бор.

Ёшлигинда қилган ишларинг кексаягинда эслаб қоришга арзирли бўлсин, дейди доншмандлардан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Б.Зиёевнинг ёшлиғида қилган ҳалол меҳнатлари бугун қайта-қайта эслашга, гурур туйишга арзийди. Шу кунларда қаҳрамонимиз таваллудининг муборак саксон йиллигини нишонламоқда. Биз бу файзли инсонни таваллуд айёми билан чин дилдан қутлаймиз!

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ

ХУРРИЯТ МУСТАҚАМ ГАЗЕТА 27 сентябрь - 3 октябрь 39 (192) - сон
Мувоноси: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш воқўллаб-қувватлош жамғармаси
Бош муҳаррир: Хуршид ДУСТМУҲАММАД
Таҳрир хўяхати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Нойим КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқоҳим ЙУЛДОШЕВ
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 165-рақом билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мотбучинлор кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63
Индекс: Яқко обюнорлар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернини басмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Тошпириш вақти — 21.00
Зокиржон АЛИБЕКОВ Топширилди — 8.00
Буортма — 1 - 225
Муаллиф фикри таҳририят нуктан назаридан фарқланishi мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
Hurriyat komputer markazida tashil va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

Кутлов

ЎЗИМИЗНИНГ МАҲКАМ АКА

— Бир товукка ҳам сув, ҳам дон керак, деганларидек. — Мақол ишлатма... (Саид Ахмад, "Келинлар кўзғолони")

Ўзбекистон радиосининг "Ихтимоий-сиёсий ҳаёт" бош муҳарририятида ишлардим. Бир кун Мақдам Рихсиев: "Сени анчадан бери кузатиб юрибман. Сенин ўзинг "Халқаро ҳаёт" бош муҳарририятида. Бизга ўт", деб қолди. Аввалро рози бўлмадим. Уч ойлардан кейин "Халқаро ҳаёт" бош муҳарририятига сиёсий шарҳловчиликка ўтдим.

Бу орада мен Мақдам Рихсиев ижоди билан яқиндан танишдим. Шунга амин бўлдимки, Мақдам Рихсиев ҳар бир шарҳида халқ мақолларидан кенг, ўз ўрнида фойдаланар эканлар. Бу ҳам ҳар бир журналистнинг қўлидан келавермайдиган иш ҳисобланади. Мана шу халқ маталари, халқ мақолларини ҳар бир шарҳларида ўринли ишлатгани учун ҳам бўлса керак, Мақдам аканинг ҳар бир шарҳини тингловчилар орзиқиб кутишди. Бир сўз билан айтганда, бизнинг радиода ўз тингловчисига эга бўлиш ҳам ҳар бир журналист учун катта бахт.

Мақдам аканинг яна бир энг катта ютуқларидан бири шунки, у кишининг меҳнат дафтарчаларида бир жой, яъни Ўзбекистон радиоси деб ёзилган. Бундай бахта ҳар ким ҳам сазовор бўлавермайди. Аммо ўз касбияга садоқатли журналистлар Ўзбекистон радиосида қўлба топилади. Мақдам Рихсиевдан ташқари меҳнат дафтарчасида Ўзбекистон радиосидан бошқа ҳеч бир иш жойи ёзилмаган таниқли журналистлар сафига Б.Ражабов, С.Тиллақўжаев, М.Саидхонова, Т.Солиевларни ҳам қўшиш мумкин. Биз ёшлар ҳар соҳода улардан ўрнак олсак арзийди.

Шу кунларда М.Рихсиев ўзларининг 65 ёшларини нишонламоқдалар.

Яқинда Мақдам ака: "Энди, етар шунча ишлаганим. Пенсияга чиқсаммикан?" — деб қолди.

Мен ўзларининг мақолларидан келтириб, "Бақирок туянинг бори яхши..." деган эдим, сўзини бўлиб, "Бақиргани ундан яхши", деб қолди.

Мана шу гагдан кейин бошқасига изоҳнинг ҳолати йўқдек туюлди. Дарҳақиқат, тажрибали устозларимизнинг бори яхши. Улар бериб турган маслаҳатлар эса ундан-да, яхши.

Шарофиддин ТУЛАГАНОВ,

"Ахборот" бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ

— Агар декан сўзини қайти олмас, мен коллежни ташлаб кетаман. — У сенга нима деган эди? — У менга коллеждан кетишни буюрди.

Профессор: "Имтиҳон бошлашмиздан олдин менга саволингиз борми?"

Талаба: "Нима фан ўзи бу?"

— Нима учун қўшиқ айтасиз?

— Савол биров қўтилмаган бўлди. Одам бир иш қилаётган бўлса, уни нима учун қилаётганини билади. Мен қўшиқни нима учун айтаётганимни сизга содда жумлалар билан ифода этолмаслигим мумкин. Қўшиқ — менинг қисмати. Қисматдан айро яшаб бўлмайди. Қўшиқ айтиш — руҳимни енгиллаштиради. Муҳлисларимнинг ихроийимдан мамун бўлиши эса, ҳаққи рост, менга қувват бағишлайди. Бу мендан олдин ҳам жуда кўп марта айтилган гап, балки сийқаси чиқиб кетгандир, аммо айтиш ҳақиқат. Ахир, меҳнатингиз кимгадир манзур бўлаётган эса, кимдир ишингизни қадрласа, сиз севишмай ким севишмади?!

— Жажжигина Анварни қандай хотирляйсиз? Хозирги Анвар Фаниевага қанчалик ўхшайди?

— ...Ушга қичкина Анварнинг бир рубоби бўларди. Катта ёшдагилар ёнларига қақириб олиб, қўшиқ айтиришарди. Бўйдан сал "карашилмаган" миз-да, адам сандикнинг устига чиқариб қўйиб, "Қани, ўғлим, бошланг-чи, қўшиқни", дердилар. Боланинг ҳаваси бошқача экан, уша-ўша санъатга кўнгли кўйганман. Хонандалик орзуси ҳам ўшанда "оққан".

— Хонанданинг муҳлисларидан муҳлисларни кўп бўлади, дейишди...

— Галингизни тўшунгандекман. Бир нарсани айтиб

Улар 2-таймга етиб келишди. — Ҳисоб нечига нечи, Жим? — сўради эр ишқибоздан. — 0 га 0, — деган жавоб бўлди. — Вой, қандай яхши! — қичқирди хотин. — Биз ҳеч нарса йўқотмабмиз.

— Албатта, мен унинг синглисиман.

— Ҳўш-ҳўш. Танишганимдан бағоят хурсандман. Мен унинг опаси бўламан.

Инглиз тилдан Нигора Имомназарова ўтирди

— Бу каби воқеалар орангиз

— Файрат АХАДОВ сўхбатланди

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

— Бениҳоя, агар улар эзгу бўлса. Менинг ҳам орзуларим йўқ эмас. Улар ҳам эзгу. Лекин муҳлисларим учун сир бўлақолсин.

— Қўйи: рафикам ўта рашқчи. Лекин буни мен унинг энг яхши фазилатлари қаторида кўраман. Хизматчилик тўй-ҳашамлардан баъзида кеч қайтишга тўри келади. Ҳатто, тунги соат 2-3 ларда келганимиз бўлади, баъзан. Шунданма уламай кўйиб ўтиради. Хориб келаман, лекин унинг бу фазилатини қадрлабман бўлмайди, қўлидан, бир пилёла бўлсин, чой ичаман. Йўқса, кўнглим тинчмайди.

— Бир кун қўшиқ воқеа бўлган. Кечга томон уйга келсам, хоним гапирмайдилар. Келганда, яхши келдигизми, чой-пой қўйиб берайми, деган сўзлари бўларди, йўқ. Пилёлага ўзим чой қўйдим, овқат олиб келишим ҳам каминанинг ўзлари бажардилар. Кейин "гап қовлаш"га ўтди. Гап нимада экан — кундуз кун бир қиз менга телефон қилган эмиш...

— Бу каби воқеалар орангиз

— Ҳар қандай буюқликда ҳам санъаткорни ҳаяжон босади. Минг марта чикқан сахна бўлса-да, мени муҳлис салобати тарқ этмайди. Аммо бу ҳаяжонни сахнада довлар қолди, ўзини йўқотиб қўйиб билан аралаштириб юбормаслик керак. У ҳаяжонки, қўшиқларда акс этган ҳайрат, дарду ҳасрат, орзу-армонларнинг ифодасидир...

— Орзулар... Оппоқ бўлади-я?

БАҲОНАЛАР БЎТҚАСИ

Иш жойида бўлмаганда ким қаерга кетганман деб баҳона қилса ишончли чиқади?

Бош ҳисобчи — банкка.

Режа бўлими бошлиғи — молияга.

Мақтаб директори — РайОНОга.

Шаҳар ёки туман халқ таълими бўлими раҳбарлари — мактабларга ёки об-лоНОга.

Автобаза директори — нефть маҳсулотлари базасига.

Муҳаррир — босмаҳонага.

Муҳбир — мақола уюштиришга.

Ҳоким — ҳўжалиқларга.

Ҳаким — чакриқ (ызов)ка.

Раис — ҳокимиятга, ҳокимиятдан суриштириб қолган тақдирда — дала айланшга.

Савдо идораси раҳбари — кон-тейнер станциясига ёки товарга.

Шофёр — машинани устага кўрсатишга.

Қурилиш раҳбари — объектлар-га.

Кўнғирок қилган ёки сўроқлаб кел-ган киши билан гаплашишни истамган эр-хотин (болалар орқали айтирилади-ган баҳона) — меҳмонга кетишган ёки ҳали ишдан қайтишмаган.

Ҳаммабоп ва ҳамма вақт қўллаш мумкин бўлган баҳоналар: ҳозирги-на шу ерда эди-я, ҳализамон келиб қолиши керак, касал, шамоллаб қол-ган, мажлисга, ҳисобот топириш-га, хизмат сафарига, вазириликка кетган, бевосита юқори раҳбар таш-хилоти, назорат-текширув ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органла-ри чакирган, қариндошлари тўй қилган ёки (худо кечирсин) қаёқ қилган.

НИМАДАН ИБОРАТ?

Ёки бир қайнови ичидаги қадах

Авалло, менга нима берганларингиз учун чин нимадан раҳмат. Мана, бугун нимадоннинг нималарида нима қилая-миз. Менга қадар мана, муҳтарам нимамиз Калонов, бошқа нималаримиз чин нимадан нимадоннинг нималарига яхши нималар айтишди. Мен ҳам шу нималарга тўла нима қиламан. Ҳақиқат-дан ҳам нимадон нимамизда шунча нимадан бери ишлашгилар. Бугун нимадоннинг катта нима сини қозонди-лар. Нимамизда катта нима орттири-ди. У ишидан кўп нимамиз ўргандик. Бунинг учун бир умр нимамиз! Нима-дон, азизим, ҳар доим бизнинг нима-мизdasиз. Нимамича, бугун нимадон-гача нимамиз шу!

Энди-шундай тўкин нимада, бугун

нима олдида айтиладиган нимага келсак. Аввало нимадангиз бахтига доим соғ бўлинг, нима турғунча туринг. Нималарингизнинг нима сини кўринг. Ҳеч қачон нима кўрманг. Ҳаммамиз учун нима ахсонимиз Калонов нима қилганларидай, тоғинингиз шундай нималарга кетсин. Юз нимагиниз ҳам бирғаликда нима қилайлик. Ушанда ҳам нимамизнинг нима сини, ҳаммамиз учун хурматли нимадонимиз Калонов соғ-саломат, Ҳудди бугунги нимадаги-дай нимада ўтирсинлар. Албатта биз ҳам нималарида бўлайлик. Қолган нималарни ушанда нима қиламиз. Қани, шу нимага нималар нимамидаги нимами кўтарсин.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

КИНОЯЛАР

КИМНИКИ?

"Эй қиз, сизнинг ширин-шакар Дудокларингиз кимники? Сўзларингиз қанду асал, Қаймоқларингиз кимники?"

Сайбат ТУЛНБЕВнинг "Кимники?" шеърини.

Кўларингиз кимники? Оёқларингиз кимники? Қалотка билан чуқки, Пайлоқларингиз кимники? Кафтларингиз кимники? Бармоқларингиз кимники? Пахомқларингиз кимники? Ҳам сақоку бақбақа Томоқларингиз кимники? Қайдан топа қолдингиз, Кабоқларингиз кимники? Бировники эмасми, Овозингиз, сазонгиз? Борми ўзи бирорта "Прокат"сиз аъзонгиз?!

ТЕРМУЛИШ АЗОБИ

"...Нигонингиз термулгим келди, Кабоғингиз термулгим келди, Ҳар бандига рашқ аралашган Сўроғингиз термулгим келди". Сайёра ТУЙЧИЕВАНING "Термулгим келди" шеърини.

У ёғингиз термулгим келди, Бу ёғингиз термулгим келди, Дудокларингиз термулгим келди, Томоғингиз термулгим келди. Нозик белига термулгим туриб, Оёғингиз термулгим келди. "Лоренден"дан сурганмикин ё, Кабоғингиз термулгим келди. Термулшингиз азоби оғир, Нигонларим тиниб кетибди. Хаёл кўзни шамғалат қилиб, Илҳомимни миниб кетибди.

МУАЛЛИМ

Илк бора бизларга қалам ушлатган, Қўшиқ ушлатган, Сўзми ўргатган, Ширин сўз сўхбатни кўзда ўргатган, Сиз биринчи муаллим, муаллимимиз. Мақтаб эшигига, қадам қўйганда, Ҳамон сизни эслаб, ёдга оламан, Биринчи синфга келган чоғларни, Уртаниб-ўртаниб, эсга оламан.

Сиздай бегубор инсон дунёда битта, Сиздай оқ кўнғил инсон дунёда битта, Сиздай оқла инсон дунёда битта, Сиз менинг муаллимим, муаллимимиз. Ҳусниддин ТОШКЕНБОВЕВ (19 ёш)

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

"ХУРРИЯТ" ГАЗЕТАСИ ИМКОНИЯТ-ЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИШ ҚИДИРАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЁКИ ИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛҚОҚИ БЎЛГАН ФИРМА ЁКИ ҚОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Иш фаолиятингиз билан боғлиқ маълумотларингизни газетамиз са-ҳифаларида эълон қилишингиз мум-кин. Бир неча сўздан иборат сатр-ли маълумотни эълон қилиш учун 100 сўм тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 3-қават, 301-хона. Тел. 136-53-63

"АЛ-МАЪРУФИЙ" ДОРИХОНАСИДА ҚУЙИДАГИ ДОРИЛАР МАВЖУД:

- 1. 5-ноқ № 50 1500
2. Кавинтон 2x10 4600
3. Валокордин 50 гр 1500
4. Ново-пассит 1800
5. Називин 10 гр 840
6. Диклоберл 3x5 2400
7. Церебролизин 1x10 6000
8. Кефзол 1 гр 1920
9. Дюфастон №20 6400
10. Баральгин ам. 5x5 1800
11. Но-шпа 2x5 1000
12. Бромгексин сироп 1200
13. Смекта №1 140
14. Малокс №1 125
15. Цефамизин 1 гр 1800

Чойхонапалов гурунглари

ҲАЖВИА

...Уста Мавлон "Ҳаёт" артелидан чи-қиб, "Наҳот" артелига ишга қиради. Ра-жаббой Андижондан Тошкентга мол олиб келиб, зарарига сотади...

Бундай нарсалар бизга мавзу бўлол-майди, чунки уста Мавлоннинг артелдан артелга ўтиши, савдогарнинг зарарига мол сотгани билан ҳеч кимнинг манфа-ати болганган эмас. Бундай мавзудаги асар нақадар қулғили бўлмасин, унинг ҳеч қиммати бўлмайди...

Бу гаплар меники эмас. Абдулла Қаҳ-ҳорники. Каминанинг чойхонасида ул-фатлари билан ўтиришганидан ҳам айт-маган буни. Мелодий минг тўққиз юзу йиғирма тўққизинчи йилда босилган ма-қоласида шундай ёзган.

Аммо айтиш керакки, бугун учун ҳам эскирган гаплар бу. Унинг ёзганлари-ни чойхоначи жумлаларим билан айт-диган бўлсам, одамларни қулдираман, деб итним-битним ҳажвияга тикиб, пўпанак ёзма, демоқчи-да.

Афсус, бугунги матбуотимизда бундай пўпанаклар шунчалар болаломқодаки, ис босган уйга кириб қолгандек бўласиз, гўё. Баъзан, ёзмам деб ҳар балони ти-кавераркан-да, дейсиз.

...Уқувчига журналистнинг арақ оламан деб дўконга кирганимо тил-лидан калов-ланиб, соту-чи билан ури-шиб қолгани кимга қизиқ?! Кейин орага тушган муал-лиф билан ик-каласи ўтириб ичишганидан кимга манфа-ат?! Бу нима? Арақнинг ре-ла м а с и м и, журналистнинг пиёнистлиги ми ёки муал-лифнинг "кай-фи", узр, маъ-навиятими? Бир пайтлар

ЗАКОВАТ БЕКАТИ

ОДАМХҲР КИМ?

Еш келин-куёв "асал ойи"ни Афри-канинг қалин чангал